



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
ТАТУ Фарғона филиали директори
А.М.Расулов
2021 йил

6. БОШ МУҲАНДИСНИНГ ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:

- Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва вазирликларнинг буйруқлари, маҳаллий ҳокимият органларининг кўрсатмалари ҳамда Филиал директори топшириқларини бажариш;
- Филиалнинг муҳандислик хизматида тегишли бўлимлар фаолиятига бевосита раҳбарликни амалга ошириш;
- Филиалнинг муҳим объектларида техника хавфсизлиги ва техник эксплуатация қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш ва назорат қилиш;
- Филиалнинг мавжуд ички ресурслари ёки пудратчи ташкилотлар билан реконструкция, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича музокаралар олиб бориш ва бажарилган қурилиш таъмирлаш ишларини белгиланган тартибда қабул қилиш;
- Капитал таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини, жумладан бино ва унинг эвакуация режасини тайёрлаш;
- Филиалнинг моддий-техник базаси бўйича ҳар бир объект учун алоҳида материаллар рўйхатини тузиш ва тайёрлаш;
- Мавжуд объектларни қайта таъмирлаш ҳамда қиммат ва улкан ҳажмли ускуналарни биноларга ўрнатишга мослаштириш бўйича масалаларни ечишни таъминлаш;
- Бинолар техник ҳолати ва жиҳозланиши ҳамда ўз вақтида таъмирланишини ташкил қилиш ва назоратини амалга ошириш;
- Бўйсунувчи масъул ходимлар ва ишчиларга тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда уларни меҳнат хавфсизлиги қоидалари бўйича ўқитишни ташкил этиш;
- Филиалнинг моддий-техник базаси ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш бўйича ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш;
- Ўз ваколатлари доирасида ўзига бевосита бўйсунувчи бўлимларга кўрсатмалар бериш;
- Ўз ваколатлари доирасида директорнинг буйруқ ва фармойишлар лойиҳасини тайёрлаш;
- Иншоотларнинг қайта режалаштирилиши ва эксплуатация қоидаларига риоя қилиниши бўйича тавсиялар бериш;
- Филиалда ёқилғи-энергетика ресурсларини иқтисод қилиш ҳамда электр энергияси, газ ва бошқа турдаги ёқилғилардан фойдаланишнинг лимитларини ўрнатишни таъминлаш ва назорат қилиш;
- Ўз бўйсунувидаги ишчи ходимлар фаолияти учун зарур материалларга буюртмалар бериш ва тақсимлаш;
- Филиал ишлар бошқармаси бошлиғи бўлмаган ҳолатларда (касаллиги, хизмат сафари, меҳнат таътили ва х.к.) унинг вазифасини бевосита бажариш;
- Ахборот ва коммуникацион технологияларни пухта билиш;
- Филиалга тегишли мол-мулкка зарар етказган шахсларга нисбатан чора кўриш бўйича таклифлар бериш.

Билиши керак:

Лойиҳа, конструкторлик ва технология, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ҳамда меъёрий ҳужжатларини, вазирликлар буйруқлари, лавозим вазифаларини, тегишли саноат тармоқларини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи ҳукумат қарорларини, юқори ташкилотларнинг Филиал фаолиятини техник жиҳатдан таъминлашга тааллуқли қарорлари, фармойишлар, буйруқлар, бошқа раҳбарий ва меъёрий ҳужжатларни билиши.

Малака талаблари:

- Қурилиш, реконструкция, капитал ва жорий таъмирлаш тажрибасига эга бўлиши;
- Филиални техникавий, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истикболлари, шартномалар тузиш ва улардан фойдаланиш тартибини билиши;
- Ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкил этишни билиши;

- Олий маълумотга эга бўлиши;
- Меҳнат тўғрисидаги қонун асослари; меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғинга қарши химоя қоидалари ва меъёрларини билиши зарур.

Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотнинг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
267	Бош муҳандис	1229	Б	Олий маълумот	5320400